Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 18-dekabr, payshanba, 51 (579)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

## Э.Т.Жўраевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Эшдавлат Турсунович Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 декабрь

## Ўзбекистон халқи — бахтли келажак учун

**2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш жараёнига бағишланган брифинг бўлиб ўтди**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловни кузатиш бўйича миссиялари вакиллари, хорижий кузатувчилар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов брифинг иштирокчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

2014 йилда парламент ва жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитда ўтказилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқиб, шунингдек, 2009 йилги парламент сайловини ўтказиш амалиёти ҳисобга олинган ҳолда мамлакатимизнинг Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, жаҳон амалиётида илк бор Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишини таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси сайловни юксак демократик даражада ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кенг кўламли тайёргарлик ишларини амалга оширди. 2014 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда барча тадбирларнинг аниқ вақти, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар белгиланди. Бу сайлов жараёнини юксак демократик даражада ташкил этиш, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириши, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш имконини берди. Сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг сайловни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ишлар ташкил этилди.

3

## «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

**ШУ КУНЛАРДА O`ZLIDEPНИНГ БАРЧА БЎҒИНЛАРИДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА. МАҚСАД ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВ ВА ПАРТИЯ НОМЗОДЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТ БЕРИШДИР. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 19 ДЕКАБРИГАЧА ЖАМИ 220 ТА ТАДБИР ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУГУНГАЧА ШУНДАН 112 ТАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**




Солиҳ ЗОИР олган сурат

**Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 642-сонли сайлов участкаси «Тепа» маҳалласида жойлашган. Бу ерда 2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан сайловчилар сони 1552 нафарни ташкил этади.**

## O`zLiDeP сайловга тайёр

**O`ZLIDEPДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШИ УЧУН 8 МЛН. 455 МИНГТА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ МАТЕРИАЛИ САЙЛОВЧИЛАРГА ТАРҚАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛОВЛАР ЖАРАЁНИНИ БЕВОСИТА ПАРТИЯ ВАКИЛИ СИФАТИДА САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА КУЗАТИБ БОРАДИГАН 8900 НАФАРДАН ОРТИҚ КУЗАТУВЧИ ВА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН 8900 НАФАРДАН ЗИЁД ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛ БЕЛГИЛАНДИ.**

## Юртимизда яна 1706 та спортзал қурилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2021 йилга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини қайта қуриш, капитал таъмирлаш ва зарурий анжомлар билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳамда имтиёзли хорижий кредит ва грантлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари ҳисобига 1706 та янги спорт залини барпо этиш режалаштирилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган мазкур иншоотлар республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Самарқанд (419 та), Сурхондарё (256), Қашқадарё (224), Фарғона (158), Тошкент (127), Андижон (125), Наманган (104), Бухоро (85), Жиззах (81), Навоий (37), Хоразм (24) ва Сирдарё (9) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (53) ҳамда Тошкент шаҳрида (4) қурилади.

# САЙЛОВДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ўз самарасини бераётир. Бугунги ёшлар нафақат ақл-заковат, спорт ва санъатда, балки ижтимоий ҳаётда ҳам фаоллик намойиш этмоқдалар. Зеро, ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш долзарб вазифалар сарасига киради**

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишларини тарғиб этиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов муносабати билан Тошкент шаҳрида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда 5 ноябрдан — 20 декабргача «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот тадбирлари доирасида «Ёшлар ва сайлов-2014» лойиҳаси ўтказилмоқда.

3

ПАРТИЯЛАРАРО БАҲС

# Ўзини ўзи инкор қилиш намунаси

**Сайлов – демократия кўзгуси. Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бу. Бошқача айтганда, сайлов ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаол иштирокининг амалий шаклидир**

Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда айни масалага жиддий эътибор қаратилди. Сўзимизнинг исботи сифатида ўтган давр мобайнида амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар натижасида энг юксак демократик талаблар ҳамда умумэътироф этилган мезонларга мос, мамлакат Конституциясида мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалда таъминлайдиган сайлов тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларида адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик сингари демократик тамойиллар асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг, энг муҳими, тенг имкониятлар яратилган. Эътиборли томони, бу ҳуқуқларнинг амалда кафолатланганини нафақат маҳаллий мутахассислар, балки шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловни кузатиш учун юртимизга ташриф буюрган кўплаб халқаро экспертлар ҳам қайд этишяпти.

Кези келганда, жорий йилги сайлов тамомила янгича шароитда ўтаётгани ҳам узоқ-яқиндан келган кузатувчиларнинг диққат марказида турганини айтиб ўтиш мумкин. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини таъминлашга қаратилган қатор ўзгартишлар киритилгани ана шундай қизиқишларга сабаб бўлди.

3

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА

## 3 КУН ҚОЛДИ

### АНИҚ САВОЛГА

**— Сайлов участкасида овоз бериш тугагач, қандай ишлар бажарилади? Хусусан, фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари нима қилинади?**

— Овоз бериш ниҳояланганидан сўнг сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияси аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча бюллетенлар эса участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади. Бу норма «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида аниқ баён этилган.

**— Ким Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳисобланади?**

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасида белгилаб қўйилганидек, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олишга муваффақ бўлган номзод депутат этиб сайланган, деб топилади.

### АНИҚ ЖАВОБ

## БУГУНГИ СОНДА:


**НАВОИЙ:** жаҳонга юз тутаётган шаҳар 4



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА** Партия салоҳияти кадрлар билан кучли 5



**ЖАРАЁН** Ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда 6



**СЎНГГИ САҲИФА** Имтиҳон арафасидаги синов 8




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 16 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1988,62 | 1 АҚШ доллари | 2413,96 | 1 Хитой юани | 389,97 | 1 Польша злотийси | 717,95 | 1 ЕВРО | 2993,56 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3793,30 | 1 Миср фунти | 337,62 | 1 Россия рубли | 42,43 | 1 СДР | 3533,22 | 10 Жанубий Корея вони | 21,90 |
| 1 Дания кронаси | 403,87 | 1 Исландия кронаси | 19,55 | 1 Украина гривнаси | 153,65 | 1 Туркия лираси | 1047,59 | 10 Япония иенаси | 203,40 |
| 1 БАА дирҳами | 657,22 | 1 Канада доллари | 2089,28 | 1 Малайзия ринггити | 690,79 | 1 Швейцария франки | 2501,25 | | |

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Иқтисодий эркинликсиз сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликка эришиб бўлмайди

**Маълумки, O`zLiDeP ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш даврида мулкдорлар қатлами бўлган ўрта синф вакиллари манфаатини ифода этаётир. Зеро, ҳар бир давлат ва жамиятнинг бугуни ҳам, келажаги ҳам мулк масаласининг қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Аҳамиятлиси, бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ўзининг самарали ҳуқуқий ечимини топмоқда**



**Дилшод ШОУМАРОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

O`zLiDeP'нинг Сайловолди платформасида ҳам хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш масаласи устувор вазифалар сирасига киритилди. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинишида O`zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббускор бўлганининг боиси ҳам шунда. Қолаверса, ушбу қонун лойиҳасини тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирокида кенг муҳокама этиш мақсадида «Тадбиркорлар мулоқот форуми» ташкил этилиб, унда минг-минглаб электорат вакиллари фаол қатнашганини айтиб ўтиш жоиз. Тадбиркорлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари томонидан умумлаштирилиб, уларнинг аксарияти қонун қабул қилиниши жараёнида инобатга олинди. Ўз навбатида, мазкур қонун билан хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга ҳуқуқий тўсиқ қўйилди. Бу эса миллионлаб мулкдорларнинг ўз мулки, унинг дахлсизлигига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Партия томонидан тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатларни яратиш, ўрта синф фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтар эканмиз, аввало, Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек, «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ушбу масалаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлганини эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, фракциямиз аъзолари ташаббуси билан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ниҳоятда муҳим қонунлар қабул қилинганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Қарийб йигирма йил давомида бизнес соҳасида фаолият юритган тадбиркор сифатида шуни айтишим мумкинки, глобаллашув шароитида, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда бизнинг юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қатор имтиёзлар ва преференциялар берилгани айни муддао бўлди.

Хусусан, охирги 10 йилда кичик корхоналарнинг айланма маблағидан олинадиган солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 5 фоизга туширилган бўлса, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар 5-7 йил муддатга солиқдан озод этилди. Халқ амалий санъати ва оилавий бизнес субъектлари эса фақат энг кам солиқ ставкаси бўйича солиққа тортиладиган бўлди. Тадбиркорлар ихтиёрида қолган катта маблағлар ҳисобидан соҳага янги технологиялар кириб келиши, иқтисодиётнинг энг муҳим бўғини – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ривожланиши таъминланиши шубҳасиз.

Шу ўринда 2014 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда 6,1 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани, жорий йилнинг биринчи ярмида хусусий сектор вакилларига 25,5 миллиард сўмлик давлат активлари сотилиб, фойдаланилмаётган 19,4 мингта давлат мулки ижарага берилганини таъкидлаш жоиз.

Якунига етаётган йилда саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари сони 6 фоиз, қурилишда эса 5 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 23 фоиздан ортиғи, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 2000 йилдаги 31 фоизлик кўрсаткичдан бугун 55,8 фоизга етди.

Эътиборлиси, мулкдорлар мамлакатига айланган Ўзбекистонда тадбиркорлар, фермерлар ўзларининг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятларини теран ҳис этишмоқда. Бу эса шубҳасиз уларнинг яратилган қулай шароит ва имтиёзлар учун жавобидир.

Аммо айрим ҳолларда тадбиркорлар, қишлоқ мулкдорлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўйилаётгани, баъзи давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликларнинг ушбу соҳа имкониятларини тўла баҳолай олмаётгани соҳага эътиборни кучайтириш, мавжуд қонунларни янада такомиллаштиришни талаб қиляпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ана шуларни инобатга олиб, O`zLiDeP Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда кўпроқ ушбу қатлам вакиллари номзодларини кўрсатишга эътибор қаратди.

Бинобарин, бўлажак сайлов мамлакатимизда демократик тамойилларни намоён этиш, уларни тарғиб қилиш орқали эртанги кунимиз, фарзандларимиз тақдирини белгилаш имконини беради. Бу эса ҳар биримиздан овоз бериш пайтида ниҳоятда ўйлаб, тўғри қарор қабул қилишни талаб этади.

Чунки мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи айрим сиёсий кучлар, хусусан, «Миллий тикланиш» демократик партияси сайловчилар эътиборига фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини шакллантириш жараёнига хизмат қиладиган аниқ бир дастурни тақдим этгани йўқ. Ўз навбатида мазкур партиянинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш ғояси O`zLiDeP мамлакат сиёсий саҳнасида пайдо бўлишидан аввалроқ илгари сурилгани борасида партиямизга қарата билдирган фикрлари ҳақида икки оғиз сўз: O`zLiDeP ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилган ислоҳотлар натижасида XXI аср бошларида республикамизда янги ижтимоий қатлам — мулкдорлар синфи шаклланганини тан олади. Ваҳоланки, биз айнан ана шу кучли ўрта синф вакилларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий куч сифатида бирлашганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз аҳлини мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, либераллаштириш ғояларини кенг тарғиб этаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларини қўллаб-қувватлашга чақираман. Чунки айнан O'zLiDeP бошқа партиялардан фарқли равишда ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий куч сифатида мулк ва мулкий муносабатларга Сайловолди дастурида бирламчи эътибор қаратди. Партия эса иқтисодий эркинликсиз сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликка эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

## ҚИЗҒИН ПАЛЛАДАГИ ТАШВИҚОТ ТАДБИРЛАРИ

**Сайлов участкасига борган сайловчининг унга маъқул бўлган партия, аниқроғи, сиёсий кучлардан кўрсатилган номзодга овоз бериши учун тахминан 5-10 дақиқа вақт кетади. Лекин ана шу қисқа фурсат давомида сайловчи мамлакат келажагининг бир неча йиллик даври, юрт тақдирини белгилаш жараёнига муҳим ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига саноқли кунлар қолганида жойларда сайловолди кампаниясининг сўнгги, қизғин баҳс-мунозараларга бой тарғибот ва ташвиқот тадбирлари, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилоятининг 53-Иштихон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди сифатида рўйхатдан ўтган Нигора Садинова Қўшработ туманидаги Зарминат шаҳарчаси, шунингдек, Урганжи, Оқтепа ва Жўш қишлоқларида ташкил этилган сайловолди учрашувларида ҳам бўлажак сайловнинг аҳамияти ҳамда унга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида маълумот бериб, сайловчилардан тушган таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Жумладан, Жўш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган учрашувда маҳалла фаоллари мазкур қишлоқ туман марказидан 40 км. узоқда жойлашгани, аҳолиси анча зич бўлган мазкур ҳудудда янги умумтаълим мактабини қуриш, бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктида операция блокларини ташкил этиш, олий ўқув юртларини тугатган қишлоқ ёшларининг бир қисмини мутахассис сифатида мазкур муассасаларга жалб этиш чораларини кўриш ҳақидаги фикрларини ўртага ташладилар.

***

Андижон вилоятидаги 18-Избоскан сайлов округидан O'zLiDeP аъзоси сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Олтиной Хожикулова эса сайловчилар билан ташкил этилган навбатдаги учрашувини Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллик шодиёналарида сўзлаган, бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг кўплаб давлатларида қизғин муҳокама этилаётган дастурий маърузаси билан боғлаб ўтказди.

— Эътиборлиси, ушбу маъруза давомида Юртбошимиз томонидан бугунги сайлов жараёни, унда халқимизнинг фаол иштирок этган ҳолда овоз бериши, сиёсий тадбирнинг эркин ва демократик тамойиллар асосида, халқаро демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди, — дейди О.Хожикулова. — Ўз навбатида сайловчилар ҳам ушбу маъруза ўзининг долзарблиги, халқчиллиги ва ҳаётийлиги билан кенг аҳоли қатламларига манзур бўлаётганини, қолаверса инсонларнинг эртанги кунга ишончини янада оширишга хизмат қилувчи тарихий аҳамиятга эга эканини алоҳида эътироф этаётганларини айтиб ўтиш лозим.

17-Қўрғонтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Зухра Иминова асосан маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ёшлардан иборат сайловчилар билан ўтказилган учрашувда биринчи навбатда кичик бизнес субъектлари, мулкдорлар синфи вакиллари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар ва аёлларни доимий иш билан таъминлашда касаначилик ҳамда оилавий корхоналарни ташкил этишдан фойдаланиш, тадбиркорларга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб беришга кўмаклашиш, қишлоқларга замонавий технологияларни жалб қилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш хусусида сўз юритди.

— O`zLiDeP Сайловолди дастурида партия мамлакат транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши белгиланган. Бинобарин, ушбу соҳанинг ривожланиши тадбиркорларимизни жаҳондаги йирик бозорларга ишончли тарзда чиқишини таъминлаб, уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларини кескин қисқартириш имконини беради, — дейди номзод. — Бундан ташқари, хорижий ҳамкорларнинг юртимизга инвестиция маблағларини киритишга бўлган қизиқишини оширади.

* * *

Вобкент қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 23-Шохруд сайлов округидан кўрсатилган O`zLiDeP номзоди Олим Раҳимовнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили Шариф Болтаев О.Раҳимовнинг ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида атрофлича маълумот бериш билан бирга O`zLiDeP Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритди.

Учрашувда сўз олган депутатликка номзод партиянинг Сайловолди платформаси ва ўз дастурининг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди. Сайловда унга ишонч билдирилган тақдирда эл-юртимиз манфаатлари йўлида ўзининг бутун куч, билим ва тажрибасини кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга сафарбар этишини таъкидлади.

Мулоқот давомида сўз олган тумандаги «Чармгарон» МФЙ фаоли Салим Муҳаммаджонов, «Вобкент» МФЙ раиси Бозор Рамазонов ва бошқалар сайлов кунида барчани Олим Раҳимов учун овоз беришга чақирдилар.

Худди шундай учрашувлар O'zLiDeP'дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Шуҳрат Бафоев, Раъно Раҳимова ва Жамол Носиров иштирокида уларнинг ўз сайлов округларида ҳам бўлиб ўтди.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

* * *

Тошкент молия институтида O`zLiDeP'дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Дилором Файзиева ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод Шавкат Азимжоновнинг сайловчилар билан юзма-юз мулоқоти, кутилганидек, ўзаро фикр алмашинувлар тарзида ўтди.

— Ўзини ўзи таъминлай олган одамгина ўзгаларга кўпроқ наф келтиради. O`zLiDeP'нинг асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ташаббускорлиги билан ўз оиласини ўзи боқишга ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиб беришдир, — деди Д.Файзиева. — Шу маънода аниқ белгиланган вазифалар ҳамда биргаликдаги изчил ва қатъий ҳаракатимиз орқали электоратимизни фаровонлик сари етаклаш имкониятига эгамиз.

Номзод ўз сайловолди дастури билан сайловчиларни таништириш асносида O`zLiDeP фаоллари ташаббуси билан амалга оширилган реал ишлар, жумладан, жойларда очилаётган хусусий корхоналар, иқтидорли ёшларга ўз қобилиятини намоён этиши учун яратилган имкониятлар хусусида батафсил маълумот берди.

Ш.Азимжонов сайловчилар эътиборини маблағлар асосан ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилиши истиқболда улкан самаралар беришига қаратди.

Институт талабалари депутатликка номзодларга банклардан кредит олиш амалиёти, партиявий лойиҳаларнинг натижалари, бошловчи тадбиркорлар учун вужудга келтирилаётган шарт-шароитлар, интеллектуал мулк муҳофазасига оид талай саволлар бердилар. Номзодлар ҳар бир саволга далиллар билан асосланган пухта, муфассал жавоблар қайтариб, партия ўз салоҳиятини амалий ишларда намоён этаётганини билдирдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар O`zLiDeP дастурий ғоялари ва Сайловолди платформасини маъқуллаб, хусусий сектор вакилларига янада кенгроқ эркинликлар бериш, тобора кўпроқ одамларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича ўз фикрларини баён этиб, бўлажак сайловда кучли иқтисодиёт, фаровон ҳаёт ижодкорларига овоз беришларини билдирдилар.

## Либерал ғоялар тараққиётга хизмат қилади

**Бу галги сайлов янгича тарихий шароитда ўтаётгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, бугун юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасида эришган юксак марраларимизни бутун дунё эътироф этмоқда. Айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бормоқда**



**Мухлиса АКРАМОВА,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

O`zLiDeP ана шундай кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида ўзининг амалий ишлари билан мамлакатимиз шуҳратини дунёга тобора ёйишда ҳал қилувчи кучга айланган тадбиркор ҳамда фермерлар, яъни мулкдорлар синфи манфаатларини ишончли ҳимоя қилиб, сайловда фаол иштирок этмоқда.

Эътиборлиси, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган бир миллионга яқин иш ўрнининг асосий қисми айнан хусусий сектор, иқтисодиёт тармоқларида ишлаётган аҳолининг 75 фоиздан зиёди эса кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу секторни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш партиямизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти, истеъдодини рўёбга чиқариш орқали жамиятдаги мавқеини юксалтиришга катта эътибор қаратиб келинди. Шу боис ҳам бугун барча соҳаларда фаол бўлган аёллар жамиятда ўз ўрнини топиб бормоқдалар.

Сўнгги йилларда аёлларнинг айниқса тадбиркорлик, хусусий ва оилавий бизнесдаги иштироки кенгайди. Сўзимиз исботи сифатида охирги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошганини, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан аёллар бошқараётганини айтиб ўтиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги либераллаштириш сиёсатининг маҳсулидир.

O`zLiDeP мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ривожлантириш, улар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини ошириб бориш борасида қатор амалий ишларни бажармоқда. Бинобарин, 2004 йилда партия аъзолари орасида аёллар сони 45 минг нафарни ташкил этган бўлса, бугун ушбу кўрсаткич 88 минг 174 нафарга етди.

**Партия томонидан амалга ошириб келинаётган «Оилавий тадбиркорликдан — мустахкам оилага». «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» каби лойихалар доирасида 650 нафардан ортик хотин-кизга жами 9 млрд. сўм микдорида кредит олиш учун амалий ёрдам кўрсатилди ва шу оркали 2 мингтага якин иш ўрни ташкил этилди.**

Келажакда ҳам бу йўналишда бир қатор кенг қамровли лойиҳаларни амалга оширишни ният қилган O`zLiDeP мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ўз Сайловолди дастурида фуқаролар, энг аввало, ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб этиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдаги қўшимча куч ва ресурс сифатида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ривожлантириш, шунингдек, хотин-қизларининг малакали тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, бунда хусусий капиталдан кенг фойдаланиш каби муҳим вазифаларни белгилаб олди.

Шуни ишонч билан айта оламанки, партия томонидан таклиф қилинаётган номзодлар халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш, миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга бор саъй-ҳаракати ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бўлажак сайловда барча партиядошларимиз, жамиятни янгилаш ва эркинлаштириш ғоясини қўллаб-қувватлаётган миллионлаб хайрихоҳларимиз номидан O`zLiDeP номзодларига овоз беришга чақираман.

## Муҳим жараён ва юқори савия

**Айни кунларда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга қаратилган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам мазкур кампанияга жиддий тайёргарлик кўрилди.**

**Қарши шаҳридаги Санъат касб-ҳунар коллежи биносида жойлашган 18-сайлов участкасида сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Участка хоналарида зарур техника ва кўргазмали воситалар, сайловчиларнинг маълумот олишлари учун сайлов тўғрисидаги қонунлар тўплами, тегишли рисолалар бор. Тиббиёт, оналар ҳамда болалар хоналари намунали жиҳозланган. Қисқаси, участкада сайловчиларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча шароит муҳайё.**

**— Бу йилги сайлов янгича шароитда ўтаётганлиги билан олдингилардан фарқ қилади, —дейди участка сайлов комиссияси раиси Дилшод Мадиев. — Ўтган даврда сайловчиларимизнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий-ҳуқуқий билимлари ошди. Ҳар бир партия сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун бор салоҳиятини ишга солмоқда.**

**Участкада 2999 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Улардан 63 нафари илк маротаба сайловда иштирок этади. Айни пайтда сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларни сайлов тўғрисидаги қонунчиликка оид янгиликлардан бохабар қилиш, сайловларнинг аҳамияти, сайловчининг бурчи, овоз бериш тартиблари ҳақида маълумотлар бериш мақсадида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари юқори савияда ташкил қилинаяпти.**

Сайфулла ИКРОМОВ.

## Бугун номзод, эртага депутат

**Бўлажак сайловда овоз бериш орқали нафақат ўз фуқаролик бурчимизни адо этамиз, балки мамлакатимиз истиқболини белгилашда ҳам бевосита иштирокчига айланамиз. Чунки 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда биз ишонч билдирган номзодлар мамлакат парламентида Ватанимизнинг эртасини яратувчи қонунлар ишлаб чиқадилар, вилоят, туман ва шаҳарларимиз келажагига дахлдор қарорлар қабул қиладилар. Сайловда элим деб, юртим деб ёниб яшовчи инсонларга овоз берсак, мамлакатимизда кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.**

**O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгашининг «Навоийазот» АЖдаги бошланғич партия ташкилотида ўтказилган «Очиқ ва эркин сайлов — демократия асоси» мавзуидаги давра суҳбатида ана шундай даъваткор сўзлар айтилди. Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи эркин фуқаролик жамияти барпо этиш вазифаси илгари сурилган. Ушбу вазифа давлат бошқарувини шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирокини назарда тутади. Бундай фаоллик эса, маълумки, сайлов орқали амалга оширилади. Сайлов жараёнида хилма-хил қарашлар, одамларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқиб, ижтимоий кайфияти намоён бўлади.**

**Тадбирда, шунингдек, мамлакатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган тадбиркор юртдошларимиз манфаатини ифода этувчи, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни мақсад қилган O`zLiDeP ғоя ва мақсадлари хусусида батафсил маълумотлар берилди.**

Мансур АСЛОНОВ.

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ўзбекистон халқи — бахтли келажак учун

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Сардор ТОЖИЕВ,**
ЎзА мухбири

2014 йилнинг 15 сентябрь куни мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов кампанияси бошланди. Брифинг иштирокчиларига 2014 йилги парламент сайловида Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари иштирок этаётгани ҳақида маълум қилинди. Партияларнинг белгиланган муддатларда ўтказилган съезд ва қурултойларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг умумий сони 535 кишини ташкил этди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 135, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан 132, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 134 ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 номзод кўрсатилди. Депутатликка рўйхатга олинган номзодлар умумий сонининг 31,8 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати сайловларда иккинчи маротаба иштирок этмоқда. Сайлов қонунчилигига мувофиқ Экологик ҳаракатга парламент қуйи палатасида 15 ўрин ажратилган. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича конференцияси 21 декабрь куни бўлиб ўтади.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда очиқ ва ошкора ўтказилаётгани қайд этилди. Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округида ўртача 154 минг сайловчи ҳисобга олинган ҳолда 135 сайлов округи, 9035 сайлов участкаси, шу жумладан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси ташкил этилди. Ўтган йилларда сайлов кампаниясини ўтказишда тажрибага эга обрўли ва ҳурматга сазовор фуқаролардан иборат округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Сайловчилар сони ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тўғрисидаги барча маълумот кўрсатилган округлар ва участкалар рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилигидаги янгиликлар билан таништириш мақсадида улар учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туркум семинарлар ўтказилди. Айни пайтда барча сайлов участкалари сайловга тўлиқ тайёр. Сайлов участкалари зарур техника ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус ажратилган биноларда яширин овоз бериш кабиналари жиҳозланган, сайлов қутилари ўрнатилган. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхати тузилиб, унга 20,7 миллион фуқаронинг фамилияси киритилган. Барча сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинди.

Қонунчиликка биноан сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчилар муддатидан олдин овоз беришмоқда. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Муддатидан олдин овоз бериш 2014 йилнинг 11 декабрида бошланган ва 19 декабрида тугайди.

2014 йилнинг 15 ноябридан сайлов кампаниясининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланди ва давом этмоқда. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилган. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун уларга давлат теле ва радиоканалларида бир хил эфир вақти ва босма оммавий ахборот воситаларида тенг босма майдони бепул ажратилди. Сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодлар ўтказилаётган теледебатларда ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилмоқда, жонли баҳслар олиб бормоқда. Теледебатлар ҳар ҳафта марказий ва ҳудудий телеканаллар, шунингдек, нодавлат телеканалларда ўтказилмоқда.

Интернет имкониятлари, хусусан, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтлари, шунингдек, интернет-нашрлардан кенг фойдаланилмоқда. Мухтасар айтганда, энг муносиб номзодларни сайлаш мақсадида сайловчиларни сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари, депутатликка номзодларнинг келажакдаги фаолияти, шахсий фазилатлари билан таништириш учун барча зарур шароит яратилган.

Сиёсий партиялар сайловчилар билан бевосита учрашувларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сайловолди ташвиқоти бошлангандан буён партиялар томонидан жами 10 мингдан ортиқ шундай учрашув ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташвиқот сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ равишда фаол олиб борилмоқда.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Брифингда сайловнинг очиқ ва ошкоралиги кузатувчилар иштирокида таъминланаётгани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва МДҲ кузатувчилар миссиялари фаолият олиб бормоқда. Яқин кунлар ичида уларга яна уч халқаро ташкилот – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари ҳам қўшилади. Марказий сайлов комиссияси томонидан Осиё, Европа, Африка ва Американинг қарийб 40 давлатидан яна 300 нафарга яқин кузатувчи рўйхатга олинди. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакилларига тегишли мандатлар топширилди.

Ўзбекистонда сайлов жараёнини кенг ёритишда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили иштирок этмоқда. Уларни барча зарур ахборот материаллари билан таъминлаш учун 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот маркази, вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда брифинглар, матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси республика матбуот марказида 21 декабрь куни соат 13.00, 17.00 ва 22.00 да ўтказиладиган брифингларда кенг жамоатчиликни овоз бериш жараёни ҳақида хабардор қилади. Эртаси куни эса сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинади.

## Ўзини ўзи инкор қилиш намунаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлик корпуси ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайгани, жойларда ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг масъулияти оширилгани юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Бош қомусимизнинг 117-моддасига киритилган тузатишлар эса сайлов қонунчилигини либераллаштиришнинг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кафолатлайдиган конституциявий орган мақоми берилди.

Ана шундай қоидалардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий партияларга, улар кўрсатган депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг устувор йўналишларини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарини сайловчиларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳам тенг шароитлар яратилган.

Мазкур жараён бугун энг қизғин палласига етиб келди. Чунки яна уч кундан сўнг сайлов – ғалвир сувдан кўтариладиган пайт. Буни яхши англаган айрим сиёсий партиялар вакиллари биздан фарқли ўлароқ ўз платформаларидаги бошқалардан гўёки устун жиҳатларини жамоатчиликка тушунтиришга зўр бериб ҳаракат қилишяпти. Балки “қўнғиз оппоғим” ёки “типратикон юмшоғим” қабилида иш кўришаётгандир. Чунки бу чиқишларнинг ҳаммаси ҳам аниқ таклифларга асосланмаган. Умумий маънодаги чиройли гаплар, ваъзхонлик орқали одамларнинг ишончига киришга интилаётганлар бугунги сайловчининг дунёқараши, сиёсий онги бутунлай ўзгарганини наҳот унутган бўлсалар? Уларни ҳатто беш йил олдинги сайловчи билан ҳам таққослаб бўлмайди-ку!

Шунинг учун O`zLiDeP рақобатчилардан фарқли равишда аниқ амалий ишлар партияси сифатида сайлов кампаниясига кириб келди. «КУЧЛИ ЎРТА СИНФ – МУСТАҲКАМ, РАҚОБАТДОШ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ДЕМАК» шиори остидаги платформамизда илгари сурилган ғоялар ўзининг иқтисодий асоси ва муайян ижро механизмига қурилган. Мисолни қайси йўналишдан келтирайлик? Марҳамат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: қулай бизнес муҳитини шакллантириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, айни шу жараёнга кўчар мулкни жалб этиш ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтириш, хомашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсат олиш тизимини кескин соддалаштириш йўналишидаги аниқ таклифларнинг амалга оширилиши нафақат партия электорати бўлган мулкдорлар манфаатларига, пировардида мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишига, аҳолининг даромадлари ошишига хизмат қилади.

O`zLiDeP кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, биз иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвесторларни жалб этиш, биринчи навбатда, саноат тармоқларида хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллаши тарафдоримиз.

Партия қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Бу эса ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, аграр секторнинг экспорт салоҳияти ўсиши, аҳолининг даромадлари кўпайишига хизмат қилади. Аниқроқ айтганда, ер майдонлари таркибини янада юқори даромад келтирадиган озиқ-овқат экинлари экиш ҳисобидан такомиллаштириш, рентабеллиги паст ерларда пахта экишни босқичма-босқич камайтириб бориш таклифини илгари сурамиз.

**АММО БУНДАЙ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР, ЯЪНИ ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЯЁТГАН МАҚСАДЛАРГА ЕТИШ МЕХАНИЗМИНИ ХДПНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА КУНДУЗИ ЧИРОҚ ЁҚИБ ТОПА ОЛМАЙМИЗ. ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА, МАЗКУР ПАРТИЯ «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА БАНДЛИК МАСАЛАСИ»НИ ТАКРОРЛАШДАН ЧАРЧАМАЙДИ. ХЎШ, ХДП БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШМОҚЧИ? САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИГА ЮЗЛАНАМИЗ: «...АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БАНД БЎЛМАГАН МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИ КОРХОНАЛАРДА МУНОСИБ ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН БАРҚАРОР ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ. УЛАРНИНГ СИРАСИГА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР КИРАДИ (ЯЪНИ, ХУСУСИЙ СЕКТОР ДЕМОҚЧИ)».**

Аммо бундай мустаҳкам пойдевор, яъни ўз олдига қўяётган мақсадларга етиш механизмини ХДПнинг сайловолди дастурида кундузи чироқ ёқиб топа олмаймиз. Очиғини айтганда, мазкур партия «ижтимоий ҳимоя ва бандлик масаласи»ни такрорлашдан чарчамайди. Хўш, ХДП бунга қандай эришмоқчи? Сайловолди дастурига юзланамиз: «...аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Уларнинг сирасига, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхона ва ташкилотлар киради (яъни, хусусий сектор демоқчи)».

«Адолат» СДП, «Миллий тикланиш» ДП каби рақобатчиларимизнинг дастурлари билан танишган сайловчилар эса олиб чиқилаётган масалалар моҳияти, мавжуд муаммолар ечимига комплекс ёндашув йўқлигини сезиши мушкул эмас. Бунда ўз-ўзини инкор қилиш ҳолатлари ҳам яққол кўзга ташланади.

Масалан, ҳар томонлама ривожланган давлатнинг муҳим белгиларидан бири кучли фуқаролик жамияти шакллангани билан боғлиқ экани барчага маълум. Шу маънода сиёсий рақобатчиларимиз «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини эътироф этган ҳолда фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини ўрта синф, яъни мулкдорлар таъминлашини ҳалигача тушуниб етмаганига нима дейсиз? Бугун биз иқтисодий асоси таъминланмаган ҳар қандай ғоя пуч эканлигини таъкидлашга ҳақлимиз.

ХДПчилар эса кўплаб соҳаларда, хусусан, иқтисодиётда давлат улушини сақлаб қолишдек қарамлик кайфиятидан қутулиб кета олмаётирлар. Зеро, демократик ва бозор ислоҳотлари йўлидаги изчил ҳаракатларимизнинг мантиқи биздан хусусий мулк, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ҳар қандай тўсиқни олиб ташлаш барча-барчанинг, шу жумладан, халқ демократларининг ҳам долзарб вазифаси эканлигини улар том маънода англаши учун яна қанча кутиш мумкин?

O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар тайёрлаш масаласида ҳам аниқ таклифлар илгари сурилиши баробарида уларни амалга ошириш механизмлари ҳам кўрсатилган. Лекин ўзини бамисоли инновациялар партияси сифатида тақдим этаётган «Адолат»чиларнинг сайловолди дастурида бу борада бирор янгилик йўқ.

Масалан, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш тарафдори бўлиб келаётган мазкур партия бу йўналишдаги қайси амалий ишини «мана шуни биз қилдик» деб сайловчига тақдим қила олади. Дарвоқе, «Адолат» СДПнинг жорий платформасида ҳам бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни “такомиллаштириш” билан чекланилган, холос. Қани аниқ таклиф?

Эрта-индин сайлов бюллетенини қўлига оладиган сайловчилар учун яна бир таққос: O`zLiDeP рақобатчиларининг барчаси энг муҳим масалалар сирасида янги иш ўринлари яратишни «байроқ» қилиб кўтармоқда. Хўш, янги иш ўринларининг салмоқли қисмини ким яратаяпти? Ўрта синф! Статистик маълумотлар буни яққол тасдиқлайди. Аҳоли ижтимоий қатламларининг бу тоифаси манфаатларини ким ҳимоя қиляпти? O`zLiDeP. Демак, 21 декабрь куни бизнинг номзодларимизга овоз берган киши ўз келажаги – доимий даромад манбаи, мулк дахлсизлиги, модомики, фаровон турмуш учун овоз берган бўлади.

Шундай экан, аниқ амалий ишлар партияси билан бирга бўлинг!

## САЙЛОВДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мазкур лойиҳа доирасида шу кунга қадар касб-ҳунар коллежларида 37 та, корхона ва ташкилотларда 11 та, олий таълим муассасаларида 4 та тарғибот тадбири ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Ўтказилган ана шундай тадбирларда Бош қомусимизнинг аҳамияти, унда ифодаланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тарғиб қилиш орқали ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида сўз борди. Бундан ташқари, жорий йил 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида 18 ёшга тўлган йигит-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда мазкур масалага масъулият билан ёндашиш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Дастурнинг 4-бандида ёшларни давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига ташрифлар уюштириш белгиланган.

Мазкур дастур талабларидан келиб чиқилиб, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан бир гуруҳ ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига ташрифи уюштирилди.

«Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда сайлов қонунчилигининг тутган ўрни» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгартишлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказилиши муносабати билан сайлов кампаниясининг ташкил этилиши хусусида сўз юритилди. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилиши йўлида ёшларнинг ўрни хусусидаги масалалар кенг муҳокама қилинди.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сардорлар мактаби»нинг ёшларда соғлом фикр ва ҳуқуқий онгни шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишда ёшларнинг муносиб иштирокини таъминлаш «Сардорлар мактаби»нинг асосий мақсадларидан биридир. Мазкур тузилма фаолияти ёшларни комил инсон ғояси асосида сардорликка тайёрлаш ва шу йўл орқали таълим муассасаларидаги ижтимоий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

— Мен жорий йилда «Сардорлар мактаби»да таълим олдим, — дейди Тошкент банк коллежи ўқувчиси Муслима Омонқулова. — Ўқиш жараёнида нотиқлик санъати, психология, сардорлик масъулияти юзасидан тегишли кўникмаларга эга бўлдим. Ҳозирги кунда «Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказилаётган «Сайлов ва ёшлар-2014» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда фаол қатнашаяпман. Ёшим 18 да. Жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловда илк бор иштирок этаман. Мазкур сайловда менинг ҳам овозим муҳим аҳамият касб этишидан жудаям хурсандман. Дарҳақиқат, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Негаки, Ватанимиз ривожи, сарҳадларимиз тинчлиги, турмушимиз ободлиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ. Шундай экан, ёшларимизнинг эртанги тақдирига бефарқ бўлишга ҳеч биримизнинг маънавий ҳаққимиз йўқ.

**Дилноза НОМОЗОВА.**

## Шу кунни ҳаяжон билан кутмоқдаман

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда Андижон вилояти ёшлари ҳам фаол иштирок этади.**

**— Сайловларда 56 мингга яқин йигит-қиз илк марта овоз беради, — дейди вилоят сайлов комиссияси раиси Абдиғулом Султонов. — Барча сайлов округ ва участкаларида, оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг сайловларда иштироки, мажбурият ва бурчларини тушунтириш, ҳуқуқий билимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Вилоятдаги барча сайлов округ ва участкаларида аҳоли, айниқса, ёшлар сайлов қонунчилигига оид тартиблар, овоз бериш қоидалари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, улар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан таништирилмоқда.**

**— Бу йил 18 ёшга тўлдим, — дейди Андижон давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Исфандиёр Бургутбоев. – 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда илк бор қатнашаман, энг муносиб номзодга овоз бераман. Сайлаш ҳуқуқим орқали ўзимда юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига дахлдорлик туйғусини ҳис этмоқдаман. Сайлов кунини ҳаяжон билан кутмоқдаман.**

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Мен тадбиркорман. Матбуотда импорт маҳсулотлари давлат тилида маркировка қилиниши шартлиги ҳақида ўқиб қолдим, бироқ тўла тушунчага эга бўлмадим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

Б.ЭШАЛИЕВ,Тошкент вилояти».

— Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра 2013 йил 1 июлдан бошлаб республикамизга олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарларида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилидаги (яъни ўзбек тилидаги-таҳририят изоҳи) товар маркировкаси бўлиши шартлиги қатъий белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб республикамизга олиб кирилаётган ва маркировка қўйилиши шарт ҳисобланган 44 гуруҳдаги маҳсулот ўрин олди. Шунингдек, янги рўйхатда маиший кимё ва шахсий гигиена масҳулотлари ҳам янада аниқлаштириб қўйилди.

*Ушбу саволга «Sanada» озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш маркази бошлиғи Аделия Салихова жавоб берди.*

# РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Жаҳонга юз тутаётган шаҳар

**Шаҳарларнинг ҳам худди инсонлар сингари ўз ҳаёт йўли бўлади. Жаннатмакон Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар ила битилган Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термизу Қўқон, Андижону Марғилон каби қутлуғ масканларни бутун дунё билади**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Тарихи минг йилликлар билан ўлчанувчи ана шу қадим кентлар қаторида навқирон бир шаҳримиз ҳам борки, ҳали ёш бўлишига қарамай аллақачон донғи довонлардан ошган. Бу саҳро бағридаги марварид, дея таърифланаётган, улуғ мутафаккир бобомиз номлари билан аталувчи Навоий шаҳридир.

Малик чўлида ярим аср олдинроқ биринчи ғишти қўйилган ушбу шаҳар ва унинг саноати истиқлол шарофати билан юксак даражада тараққий этиб, юртимиз шуҳратини кўкларга кўтарди. Тўртта тўққизлик шкала билан баҳоланган, дунёда софлик эталони сифатида қабул қилинган олтини билан машҳур бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни кунда республика ялпи ички маҳсулотининг бешдан бир қисми Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичнинг шаклланишида «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» АЖ, «Электрокимёзаводи» ҚК АЖ, «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖ сингари корхоналарнинг салмоқли улуши бор.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва фармони билан эркин иқтисодий макон мақомига эга бўлган навқирон шаҳарда ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақиқатан ҳам ҳайратланарлидир. Яратилган қулай инвестицион муҳит туфайли дунёнинг манаман деган тадбиркорлари Навоийга интилмоқдалар. Маҳаллий тадбиркорлар ҳам улардан қолишмаяпти. Шаҳарда саноат, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис хизмати кўрсатиш каби йўналишларда кўплаб тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётир. Маълумотларга кўра, биргина жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида шаҳарда умумий майдони 5,7 гектарни ташкил этувчи 7 та иссиқхона, иккита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси фаолият бошлади. Янгидан иш бошлаган 191 та кичик бизнес субъектининг 163 таси бевосита хизмат кўрсатиш корхоналаридир.

— Бизнинг марказимизда аёллар учун аэробика, теннис, массаж, соғломлаштириш ва рақс гуруҳлари, фитобар, болалар хонаси ҳамда гўзаллик салони ишлаб турибди, — дейди «Сафина фитнес сервис» МЧЖ раҳбари Нигора Холиқова. — Айни пайтда корхонамизда 15 нафардан зиёд хотин-қиз шаҳар аҳлига малакали хизмат кўрсатмоқда.



Таъкидлаш жоизки, ҳудудда хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан 86 та савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва турар-жой объектлари ишга туширилгани, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадларига белгиланганидан 28,7 фоиз кўп, яъни 113,3 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилгани туфайли қўшимча равишда 1610 та иш ўрни яратилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланган прогноз режаси 107,5, халқ истеъмоли маҳсулотлари тайёрлаш 114,1, аҳолига хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 112,4 фоизга ўсиши таъминланди. Қурилиш ишлари 6,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоизга кўпайди. Барча манбалар ҳисобидан яратилган 6072 та янги иш ўринларининг ярмидан кўпроғи хусусий сектор субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Ишонч гилам» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, «Навбаҳор текстиль» МЧЖ сингари корхоналарда янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда 310 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларининг катта қисми экспорт қилинаяпти.

— Жорий йилги модернизациялаш дастурига кўра, айни кунгача 11 миллиард 300 миллион сўмликка яқин маблағ ўзлаштириб, корхонамизнинг хом ашёни тайёрлаш ва узатиш, тароқлаш, пиликлаш, ўраш ҳамда бошқа қатор ишлаб чиқариш цехларидаги дастгоҳларимизни замонавий, автоматлашган, унумдорлиги юқори бўлган ҳамда кам электр энергияси истеъмол қилувчи техника ва ускуналарга алмаштирдик, — дейди МЧЖ шаклидаги «Бахт текстиль» қўшма корхонаси директори Фурқат Турсунов. — Натижада ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 120,5 фоизга ошириш, таннархини пасайтириш, энг асосийси, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлдик. Ишлаб чиқарилган салкам 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотимизнинг 90 фоиздан ортиғи экспорт қилинди. Ишчи-хизматчиларимизнинг келиб-кетишлари учун бепул транспорт хизмати ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлашни йўлга қўйганимиз эса унумдорликни янада оширишга хизмат қилаяпти. Трикотаж маҳсулотларини шу ернинг ўзида бўяш, гул босиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниҳояланиши билан корхона имкониятлари янада кенгаяди.

Жами 14 та лойиҳа бўйича шаҳар ҳудудида ташкил этилган иссиқхона, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик корхоналари ва 150 тонна сиғимли музлаткичли омборхонада бугун 46 нафар ишчи-хизматчи аҳолини қишин-ёзин сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга камарбастадир.



**МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЭНГ НАВҚИРОНИ ҲИСОБЛАНМИШ НАВОИЙ ШАҲРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ КЕЛАЖАГИ БУЮК ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ МАСКАНЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНИБ, ТОБОРА КЎРК ВА ЧИРОЙ ОЧАЁТИР, ЎЗИНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ЯҚҚОЛРОҚ НАМОЁН ЭТАЁТИР.**



Энг муҳими, бугун шаҳарда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари асосида энг аввало инсон омили, аҳоли учун барча қулайликларга эга турмуш тарзини яратишдек эзгу мақсадлар мужассам. Ҳисобот даврида жами 10 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, капитал реконструкция қилинган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган 28 та янги аттракцион болажонлар қувончига қувонч қўшаётгани, янгидан 5,1 километрлик асфальт йўл қурилиб, битта касб-ҳунар коллежи ва қишлоқ врачлик пунктининг мукаммал таъмирдан чиқарилгани, шаҳарнинг «Истиқлол», «Янги ариқ» МФЙ, «Гулистон- 3» массиви, «Умид» қўрғони ҳамда бошқа ҳудудларидаги умумий узунлиги 21 километрдан ортиқни ташкил этувчи ички автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, «Ҳаёт», «Истиқлол» ва «Гулистон» маҳаллаларида узунлиги 14 километрли тоза ичимлик суви тармоқларини тортиш бўйича 1 миллиард 108 миллион сўмликка яқин, Олимпия заҳиралари коллежини капитал таъмирлашга 234,327 миллион, «Ўзбектуризм» биносини бутунлай янгилаш, бадиий академияга айлантириш учун 100 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилганини қайд этиш жоиз. Умумий қиймати 3 миллиард 839 миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши режалаштирилган вилоят ўсма касалликлари диспансери ва радиология бўлими фойдаланишга топширилиш арафасидадир.

Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Шерали Раҳматов тақдим этган маълумотларга кўра, 30 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 563 та кўп қаватли уй- жой ва ётоқхоналардан иборат шаҳар хўжалигининг 2014-2015 йил куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 597,3 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш юмушлари бажарилган. Шунингдек, уй-жой коммунал бошқармаси томонидан кўп қаватли уйларнинг 17,5 минг квадрат метрли томи таъмирланган. Яроқсиз ҳолга келиб қолган 37 минг метрлик қувурларни металл-пластикка алмаштириш, 1781 та кириш йўлакларини таъмирлаш ва бошқа ишлар учун 1,7 миллиард сўмлик маблағ сарфланган. Бирлашган энергия хизмати томонидан 2,9 километрлик ерости қувурлари янгиланган.

— Шаҳарда сўнгги йилларда бунёд этилган кўркам иморатлар, уй-жой, маданий-маиший ва савдо мажмуалари, спорт иншоотлари кўзни қувонтиради, — дейди биз билан суҳбатда самарқандлик меҳмон Аъламжон Сатторов. — Айниқса, бозорларнинг саранжом-саришталиги, кўчаларнинг озодалиги, равон асфальт йўллари менга жудаям ёқди.

Бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли яшаш пунктларида белгиланганидан ортиқ 30 та чиқиндихоналар шохобчаси қурилиб, янги контейнерлар ўрнатилди. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасида янгидан махсус транспорт бўлими ташкил этилиб, унинг мавжуд техника парки Самарқандда ишлаб чиқарилган «MAN» русумли чиқинди ташийдиган махсус автомашиналар, кўча супуриш, қум сепиш ва қор кураш хизматларини бажарадиган махсус техника воситалари билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз вилоят марказларининг энг навқирони ҳисобланмиш Навоий шаҳри амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг энг гўзал масканларидан бирига айланиб, тобора кўрк ва чирой очаётир, ўзининг катта имкониятларини янада яққолроқ намоён этаётир.








# Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 18-dekabr, payshanba, 51 (579)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Партия салоҳиятли кадрлар билан кучли

**Бугунги кунда O`zLiDeP аъзолари, шунингдек, партия электорати вакилларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг онгу тафаккурини мафкуравий жиҳатдан бойитиб бориш орқали раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга кадрлар заҳирасини шакллантириш Сиёсий таълим марказлари зиммасидаги долзарб вазифалар сирасига киради**

**Хислат ЗАЙНИДДИНОВ,**
O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари

Бу борада, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”га дастуриламал сифатида ёндашаётганимизни таъкидлаш жоиз. Маълумки, юртимизда том маънода фуқаролик жамияти, кучли демократик давлат барпо этиш жараёнида мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган ўнлаб қонунлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий муҳофазалаш, тадбиркорлик тамойилларини такомиллаштириш, хусусий бизнесни ривожлантиришга хизмат қилаётир. Шундан келиб чиққан ҳолда айни кунгача марказ томонидан O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини оммалаштиришга қаратилган 72 та турли ўқув-семинар ўтказилиб, уларда асосий эътибор малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилди. Ушбу тадбирларга 917 нафар БПТ раиси, 2110 нафардан зиёд партия фаоли, 1650 нафардан ортиқ тадбиркор ва фермер жалб этилиб, иқтидорли ва ташаббускор 81 нафар маслакдошимиз партия кадрлар заҳирасига киритилди. Эътиборлиси, СТМ томонидан ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган сафдошларимизнинг кўпчилиги бугунги кунда партия ғоя ва мақсадларини аҳоли қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ қилишда жонбозлик кўрсатишаётир. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловда партиямизнинг муносиб номзодлари сифатида депутатлик мандатини қўлга киритишга қизғин ҳозирлик кўришаяпти.

Сиёсий саҳнага чиққанидан буён лидерлик позициясини қўлдан бермай келаётган партиямиз учун бўлажак сайлов, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, O`zLiDeP вилоят кенгаши аъзолари, депутатлик гуруҳлари ҳамда фаоллар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бутун куч ва имкониятни сайловга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда уни муваффақиятли ўтказишга йўналтирганлар. Жумладан, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича “Вилоят кенгаши қошидаги лекторлар гуруҳи, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, партиянинг ваколатли вакиллари ва кузатувчилари учун ўқув семинарлари ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиш қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўқув-семинар дастури асосида O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раиси Яшин Душановнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов муносабати билан партия олдида турган долзарб вазифалар, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиевнинг депутатликка номзодлар учун тавсиялар, уларни ўқитиш ва тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, сайловолди тарғиботини тизимли уюштиришга бағишланган чиқишлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Белгиланган режага асосан барча маҳаллий кенгашларда ўтказилаётган ушбу ўқув-семинарларда айни пайтгача Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 2 нафар, маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига 61 нафар номзод, депутатликка номзодларнинг 44 нафар ишончли вакили, партиянинг ваколатли вакилларидан 70 нафари ҳамда 90 нафардан зиёд партия кузатувчиси иштирок этганини қайд этиш жоиз.

Таҳлилчилар жорий йилги сайловнинг кучли сиёсий курашлар асосида ўтишини билдиришмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бутун салоҳиятимизни



ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий савияси юқори бўлган маслакдошларимиз сафини янада кенгайтириш, аҳоли, айниқса, сайловда илк бор иштирок этаётган ёш авлод орасида либерал-демократик ғояларни ташвиқ этиш асносида партиямизнинг етакчилик позициясини янада мустаҳкамлаш учун сафарбар этмоғимиз лозим. Зеро, сайловолди масъулиятли вазифалар олдимизга янги талаблар қўймоқда.

## «Ғайрат» кўтарган масала назоратда

**Муҳим сиёсий имтиҳон — сайлов арафасида партиямиз бошланғич ташкилотлари қанчалик фаол бўлсалар, ўша ҳудуддаги аҳолининг O`zLiDePга нисбатан ишончи ҳам шунчалик мустаҳкамланиб бораверади. Чиноз туманидаги С.Раҳимов номли қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаётган, 12 аъзони жипслаштирган қуйи бўғиннинг амалий ишлари ушбу фикрни тасдиқламоқда.**

**Яқинда партия тузилмасига «Ғайрат» ва «А.Худойбергенов» номли маҳаллаларда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат этиб, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ масалани ўртага ташладилар.**

**Қуйи ташкилот етакчиси, туман кенгаши депутати Комила Айтенова амалдаги тартиб-қоидаларга биноан аъзолар билан биргаликда мурожаатни атрофлича муҳокама этди. Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарор қабул қилинди. Пировардида туман «Сувоқова» давлат корхонасига хат йўлланди. Ҳозир мутасаддилар мазкур масалани ўрганиб чиқяптилар. БПТ раисининг айтишича, фаоллар кўтарилган масалани туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритишни мақсад қилганлар.**

Б.ИСРОИЛОВ.

## Участка сайловга тайёр

**— Марғилон шаҳрида 52 та сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, улар сайлов қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган, — дейди шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Раҳматжон Розиқов.**

**Академик лицей биносида жойлашган 645-сайлов учаскаси фаолияти билан танишганимизда ушбу ҳудуд ҳар жиҳатдан ободонлаштирилгани, ажратилган хоналарнинг тўла таъмирдан чиқарилгани яққол кўзга ташланди. Кўча ва кириш жойлари, хоналарда тегишли лавҳа ва кўрсаткичлар ўрнатилган.**

**— Сайлов участкамизда 2998 нафар фуқаро Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида яширин овоз беради, — дейди сайлов участкаси раиси Муножат Аҳмедова. — Бу муҳим сиёсий жараённи юқори савияда ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Депутатликка номзоди кўрсатилганлар билан сайловчилар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этаяпмиз. Бу эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## Сарвинозга ҳавас қилса арзийди

**Сирдарё вилоятида ҳам фермер хўжалиги, ҳам бошланғич партия ташкилотига раҳбарлик қилаётган иқтидорли ёшлар талайгина**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

Гулистон туманидаги «Сарвиноз Собиржоновна файзи» фермер хўжалиги раҳбари Сарвиноз Шокирова ана шундай ёшлардан биридир. 2012 йилда Мирзо Улуғбек номидаги агросаноат касб-ҳунар коллежини тамомлагач, 52 гектар қаровсиз ерни олиб, фермер хўжалиги ташкил қилди. Агротехник ишларни бажаришда отаси Собиржон Шокиров ва укаси Нодирбек унга яқиндан кўмакдош бўлишди. Ерни июль ойида олган фермер дастлабки йили 26 гектарга буғдой экди. Қолган майдонларга эрта баҳорда чигит қадади. Шу тариқа шижоатли қизнинг ишлари ривож топди: буғдойдан ҳам, пахтадан ҳам мўлжалдагидан ортиқ хирмон кўтарди.

Ҳали ёш бўлишига қарамай, ўз сўзининг уддасидан чиқаётган фермерга яна бир бор ишонч билдирилди. Унга туман ҳудудидаги 4 гектарли қаровсиз жойда интенсив боғ барпо этиш вазифаси топширилгач, 1,5 минг тупдан зиёд турли мевали дарахт кўчатларини ўтқазди.

— Туман ҳудудида анча йиллардан бери қаровсиз ҳолга келган тутзор бор эди, — дейди Сарвиноз суҳбат чоғида. — Биз уни ҳам хўжалигимиз тасарруфига олиб, 2 гектар майдондаги эски тутлар ўрнига янгиларини экдик.

Сарвинознинг ташаббускорлиги боис фермер хўжалигида 20 нафарга яқин аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти тузилди. Уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир. Сарвиноз ҳам мулкдор, ҳам БПТ етакчиси сифатида нафақат туман, балки вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашяпти. Чунончи, далаларда иш қизғин бўлишига қарамай, партиявий тадбирларда иштирок этишга ҳам фурсат топаяпти.

Жумладан, қуйи бўғин фаоллари аҳоли ўртасида либерал-демократик ғояларни кенг ёйиш баробарида қонунчиликдаги янгиликлар, электорат учун яратилаётган қўшимча имтиёзларнинг мазмун-моҳиятини ҳам тушунтираяптилар. Йил бошидан буён таянч тузилмада O`zLiDeP дастурий ғоялари тарғиботига бағишланган «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Соғлом бола йили»да O`zLiDePнинг устувор вазифалари ва БПТларнинг ўрни» каби мавзуларда давра суҳбати, очиқ мулоқотлар ташкил қилинди.

Мухтасар айтганда, ёш фермер Сарвиноз Шокированинг интилувчанлиги гулистонлик тенгдошларига ибрат бўлмоқда.

### ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

Ҳар нарсанинг ўз гўзаллиги бор. Лекин уни ҳар ким ҳам кўра олмайди.

КОНФУЦИЙ.

***

Ҳаёт велосипедга ўхшайди. Мувозанатни сақлаш учун ҳаракатда бўлиш керак.

Альберт ЭЙНШТЕЙН.

***

Кулгусиз ўтган кун бекорга ўтган кундир.

Чарли ЧАПЛИН.

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

**Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

— ариза (намуна бўйича);

— инвестиция таклифи (намуна бўйича);

— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел:** (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
**Web-site:** www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

### ▼ АНИҚ САВОЛГА

**— Овозларни санаб чиқиш натижалари қандай расмийлаштирилади?**

— Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Мазкур норма «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасида баён қилинган.

### ▲ АНИҚ ЖАВОБ



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!

Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!

**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

**Нашр индекси: 406**

**Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.**

# ЖАРАЁН

## Ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Бухоро вилоят ҳудудий филиали жорий йилнинг дастлабки 9 ойи давомида 48 та тадбиркорлик субъектига 13,7 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга кўмаклашди**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Хусусан, вилоятнинг барча ҳудудларида ишбилармон ва фермерлар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, тадбиркорликни янада ривожлантириш, кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмун-моҳияти, жамғарма фаолияти тўғрисида маълумот бериб борилаётир.

Ўтган давр мобайнида филиал томонидан 158 та корхона фаолияти ўрганиб чиқилиб, экспорт салоҳияти юқори бўлган 18 та субъект ажратиб олинди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун чет эллик ҳамкорлар жалб этилмоқда. Жорий йилда жамғармага мурожаат қилган тадбиркорларнинг 12 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди ва 2,4 млн. АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзоланишига эришилди.

— Биз ярим тайёр матога гул босиш билан шуғулланамиз, — дейди «Имидж текстил» корхонаси раҳбари Б.Норов. — Жамғарма ёрдами туфайли хорижий харидорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда қийинчиликка дуч келмаяпмиз. Ҳозирги кунда маҳсулотларимизга Россия ва Қозоғистонда қизиқиш катта. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида жамғарманинг молиявий кўмагидан фойдаланиш ниятидамиз. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хусусий сектор вакилларининг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашларига амалий ёрдам кўрсата оладиган жамғарма оғиримизни енгил, мушкулимизни осон қилмоқда.

Жамғарма томонидан 2014 йил якунига қадар 5 та халқаро кўргазмада 25 дан ортиқ тадбиркорлик субъектининг иштирокини таъминлаш режалаштирилган.

Умуман олганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Бухоро вилоят ҳудудий филиали жамоаси хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш йўлида барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

## Тилсиз ёв лоқайдликни кечирмайди

**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида республикамиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотнинг қарийб 40 фоизи қайта ишланади. Бинобарин, йирик корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча эҳтиёт чораларини кўриб, масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият юритиш тақозо этилади.**

**Халқимизда «Касални даволагандан олдини олган афзал» деган ҳикмат бор. Шу маънода ёнғин хавфсизлиги, профилактикаси қоидаларига нафақат техник ходимлар, балки барчамиз бирдек амал қилишимиз фойдадан холи эмас. Масалан, яшаш жойимизда электр ва газ печларидан тўғри фойдаланиш, болаларни қаровсиз қолдирмаслигимиз мақсадга мувофиқдир.**

**Тилга олинган завод ҳудудида амалда бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳам аслида у ёки бу даражада барчага тааллуқли, десак хато қилмаган бўламиз. Қуйида уларнинг айримларини баён этамиз. Корхона ҳудудида очиқ алангадан фойдаланиш қатъиян тақиқланган. Шунингдек, заводдаги барча жойлар ишлаб чиқариш чиқиндилари, тўкилган нефть маҳсулотлари ҳамда хашак, қоғоз каби осон ўт олувчи унсурлардан доимо тозаланиб турилиши керак. Шу билан бирга ёнғиндан дарак берувчи мосламалар ва ўт ўчириш воситалари ҳамиша шай ҳолатда бўлиши талаб қилинади. Ишчи-хизматчилар муҳандис-назоратчилар томонидан берилган барча кўрсатмаларни ўз вақтида, бекаму кўст бажаришлари лозим.**

**Муҳим объектларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи бўлинмалар ходимлари ҳам ёнғинларнинг олдини олиш ва одамлар ҳаётини асраш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келишмоқда.**

**Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига доимо амал қилайлик!**

Соҳиб ОЧИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр-тажриба лабораторияси бошлиғи.

## Ўт билан ўйнашманг!

**Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 487-мактабгача таълим муассасасида 150 дан ортиқ жажжи болажонлар тарбияланмоқда. Уларга 8 нафар меҳрибон тарбиячилар масъул этиб тайинланган.**

**Мазкур болалар боғчаси 2004 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, барча хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Компьютер хонаси ҳам мавжуд. Боғча инглиз ва рус тилларига ихтисослашган.**

**Барчамизга маълумки, айни кунларда республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Шу муносабат билан мазкур мактабгача таълим муассасасига Яккасарой туман ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими, сержант Аббос Пўлатов ташриф буюриб, боғча биноларини кўздан кечирди ҳамда тарбиячиларга зарур маслаҳатларни берди.**

Солижон ЗОИРОВ.

## Олий мактабда очиқ эшиклар куни

**Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаяпти. Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди.**

**Сергели туман ҳокимлиги, газ, электр тармоқлари ҳамда «Сувсоз» корхонаси ходимлари, коллежлар талабалари иштирок этган тадбирда ёнғинларнинг содир бўлиш сабаблари тўғрисида маълумот берилиб, ана шу мавзуга оид видеофильм намойиш этилди.**

**Тадбир якунида ўқувчилар ўртасида ўтказилган викторина ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.**






# ҚУТЛОВ

## Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси





**Ўзбекистон халқини Янги йил байрами билан самимий табриклайди ва ўз эзгу тилакларини изҳор қилади.**

***Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ёр бўлсин! Янги йилда барча эзгу ниятларингиз ушалишига тилакдошмиз.***







РЕКЛАМА ЎРНИДА

AGROBANK

# Мақсадлар аниқ, ютуқлар улкан

**Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, бу ютуқлар жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлмоқда**



**Ўз мухбиримиз**

Кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасини тижорат банклари томонидан халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётимизни янада тараққий эттиришга йўналтирилаётган сармоялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ана шундай кўмак туфайли бугунги кунда минглаб ишбилармонлар ва тадбиркорлар, фермерларимиз ўз бизнесларини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшишмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш имкони яратилди. Кичик бизнеснинг иқтисодиёт соҳасидаги улуши йил сайин ошиб бораётгани банклар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Агробанк» АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 55 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Мазкур молиявий кўмак натижасида жойларда замонавий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, ҳудуднинг янада обод бўлиши ҳамда минглаб янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

— Мустақиллик туфайли биз каби тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очилди, — дейди «Umid shifo» хусусий шифохонаси раҳбари Лола Убайдуллаева. — Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, яъни соҳанинг давлат томонидан ҳуқуқий кафолатлангани истиқболли бизнес-лойиҳаларни рўёбга чиқариш омили бўлмоқда. Асосийси, мустақиллик туфайли одамларнинг онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгариб, эзгу ғоялар ва ташаббусларга йўғрилди. Бугун ҳар бир киши интилиб, изланиб, меҳнати ортидан рағбат олаётир. Бунёдкорлик ва эзгу ишларнинг дебочаси, аввало, мақсадли, пишиқ-пухта, истиқболли лойиҳалар асосида шаклланади. Бундай истиқболли лойиҳалар эса банклар томонидан молиялаштирилиб, уларга имтиёзли шартлар асосида сармоялар йўналтирилмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар кучимизга куч қўшиб, янада улкан мақсадларни кўзлаб меҳнат қилишимизга туртки бўлмоқда. Албатта, тадбиркорликни йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун мукаммал лойиҳа билан бирга молиявий кўмак ҳам зарур.

Юртимизда тадбиркорлик учун яратиб берилган қулай ишбилармонлик муҳити ишимни самарали ташкил этишимда қўл келди. Хусусий шифохонамни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида «Агробанк» АТБ Бекобод филиалига электрокардиограф ва ультратовуш орқали ташхис қўйиш ускунаси (УЗИ) сотиб олиш учун мурожаат қилдим ва бизнес лойиҳамга асосан йигирма икки миллион беш юз минг сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ҳамда мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш борасида аниқ белгиланган дастур асосида кредитлар ажратилмоқда.

Бундан ташқари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишларига кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва филиаллари жамоаси мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиб, Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган ишбилармон, тадбиркор ва фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш йўлида бундан буён ҳам изчиллик билан фаолият юритаверади.

# СЎНГГИ САҲИФА

## Вазирлик журналистларга ахборот берди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Журналистлар билан мулоқот давомида «Соғлом бола йили»да вазирлик тизимида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, 24 та маданият ва дам олиш маркази, 22 та маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ҳам мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Қарорга мувофиқ, театрнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланиб, ижодкор ва томошабинлар учун янада қулай, замонавий шароит яратилди. Миллий театр тарихи, бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм, ўзбек, рус ва инглиз тилларида альбом-китоблар нашр этилди. «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзуида илмий-амалий конференция уюштирилди.

«Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» мавзуидаги маърифий ойлик ёшларнинг музейлар фаолиятига оид билимларини янада бойитишга ҳисса қўшди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий кўрик-танлови эса жонажон Ўзбекистонимиз ҳақида энг яхши қўшиқларни яратиш имконини бериш билан бирга ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади. «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остидаги концертлар, «Созлар навоси» ёш мусиқачилар республика танлови мусиқа ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда 2014 йил юртимиз спорти ҳаётида ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлгани таъкидланди. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган 177 та халқаро мусобақада Ўзбекистон спортчилари 186 та олтин, 200 та кумуш, 239 та бронза, жами иш 625 та медални қўлга киритишди.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**



Солиҳ ЗОИР олган сурат

## Озод юртнинг обод оиласи

**Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Искандар ака Рамазонов оиласидаги аҳиллик, ҳалол меҳнат орқасидан эришилаётган ютуқларга кўпчиликнинг ҳаваси келади.**
**Искандар ака Автомобиль-йўллар билим юртини тугатганидан кейин қарийб қирқ йил мобайнида автокорхона ва автотеххизмат шохобчаларида меҳнат қилиб, юзлаб шогирдлар етиштирди, обрў орттирди.**
**Турмуш ўртоғи — қўли гул тикувчи Меҳринисо опа билан икки ўғил, икки қизни вояга етказди. Айни пайтда фарзандлари турли соҳаларда фаолият юритаяптилар. Хусусан, катта ўғли Шуҳратжон ота изидан бориб, ҳозирда устахонада автомобилларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ўн нафар набиранинг барчаси илм ва ҳунарга чанқоқ.**

## Имтиҳон арафасидаги синов

2015 йилнинг январь ойида бўлиб ўтадиган Осиё кубоги ўйинларига қизғин тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Дубай шаҳрида Фаластин терма жамоаси билан ўртоқлик ўйини ўтказиб, Сардор Рашидов томонидан киритилган гол эвазига ғалаба қозонди.

Ҳужумкор ўйин намойиш этган Миржалол Қосимов шогирдлари йирик ҳисобда зафар қучиш имкониятига эга эди. Бироқ биринчи бўлимнинг ўзида Жавлон Иброҳимов, Игорь Сергеев ва Лутфулла Тўраевнинг зарбаларига аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимда майдонга туширилган Сардор Рашидов ва Сервер Жепаров терма жамоамиз ўйинини янада жонлантирди. 83-дақиқада Лутфулла Тўраев тўпни жарима майдонига оширганида ҳимоячидан илдамроқ ҳаракат қилган Сардор Рашидов 11 метрлик нуқтага яқин жойдан зарба берди. Фаластинлик посбон тўпни қайтарган бўлса-да, қайтган коптокка биринчи бўлиб етиб келган Сардор бу гал адашмади.

Ўйин якунида ҳисоб оширилиши мумкин эди. Аммо Наврўз Алимовнинг узоқ масофадан йўллаган зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтди.

Эслатиб ўтиш лозим: Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги мусобақаларида ҳамюртларимиз «В» гуруҳида Шимолий Корея, Саудия Арабистони ва Хитой терма жамоаларига қарши тўп сурадилар.

## Кўнгил обод — юрт обод

**Бунёдкорлик — халқимизга хос эзгу фазилат. Юртдошларимиз бир парча ерга ҳам гул экиш, дарахт ўтқазазиш, мева-сабзавот етиштириш ташвиши билан яшашади. Бу эса, ўз навбатида, дастурхонимизнинг тўкин, турмушимизнинг фаровон бўлишига хизмат қилади. Яқинда дўстларим билан дийдорлашиш, қадимий Бухорони зиёрат қилиш ниятида мазкур вилоятда бўлганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим**

**Абдуғани СУЛАЙМОН**

Ғиждувон туманида умумий майдони 106 гектардан иборат интенсив боғ барпо этилиб, Германиядан келтирилган мева навлари етиштирилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Боғдаги батартиблик, қуёш нурида товланиб турган, кўзни қувонтирадиган олмаларни кўриб, тўғриси, юртдошларимизнинг омилкорлигига таҳсинлар айтмасликнинг иложи йўқ.

Кўнглимга шодлик бағишлаган иккинчи фазилат ғиждувонликларнинг улуғ авлиёларимиз, мутафаккир аждодларимизнинг пок руҳларини шод этишдек савобли ишга чин кўнгилдан киришганларидир. Абдухолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳининг ҳавас қиларли даражада обод қилингани, унинг яқинида барпо этилган муҳташам курант ҳам бунёдкорлик халқимизнинг ҳаётий аъмолига айланганидан далолат.

Қалбимга қувонч бағишлаган учинчи нарса ватандошларимиз қалбидаги шижоат, ишчанлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларининг чиндан ҳам кучайганидир. Уларда боқимандачилик кайфиятидан асар ҳам учратмадим. Халқимизнинг асл табиатига хос бўлган тадбиркорлик қобилияти тобора кучлироқ намоён бўлаётгани айниқса диққатга сазовордир. Шундайлардан бири Бафоқул Аслонов кўп йиллардан буён хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади, мебель ишлаб чиқаради. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, унинг хусусий цехида ишлаб чиқарилаётган мебеллар бирор бир хорижий мамлакат маҳсулотидан ҳеч қолишмайди.

— Тадбиркор эл ишончини суиистеъмол қилмаслиги керак, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бирор маҳсулотни ишлаб чиқариб, савдога қўяр экан, ҳар бир тадбиркор аввало шуни ўзимга раво кўраманми, деган саволни ўзига бериб кўриши лозим. Маҳсулотнинг сифати шунга яраша бўлсин. Ўзига раво кўрмаганни ўзгаларга ҳам раво кўрмасин. Шундагина мижозлари ундан рози бўлади, ишидан файз аримайди, топгани яхшиликка ярайди.

Халқимизда бирор юртнинг нечоғли ободлигини билмоқчи бўлсанг, аввало унинг бозорларини кўр, деган нақл бор. Ғиждувон бозорини кўриб, ана шу ҳикмат замиридаги теран маънони уққандай бўлдим. Фақат шу ерликларгагина хос бўлган кулчалару патирлар, парвардалару ҳолвалар... Ошхоналарида ғиждувонча кабоблару, ғиждувонча пиширилган балиқлар...

«Хожаи жаҳон» буюм бозори қурилишини кўриб, ҳайратим ошди. «Барпо этилаётган 1000 та дўкондан иборат савдо комплекси савдогар учун ҳам, харидор учун ҳам қулай, — дейди бозор бошқаруви раиси Валижон Содиқов. — Икки қаватли маъмурий бино, милиция ва солиқ таянч пунктлари, минибанк филиаллари, 32 ўринга мўлажалланган меҳмонхона, алоҳида автомобиль тўхташ жойи — барча-барчаси тижоратнинг ривожи, бозорнинг равнақи учун хизмат қилади.

Ғиждувондаги қурилиш-ободончилик ишлари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорликнинг биргина кўриниши эканини ҳис этиб, Ўзбекистонимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк эканига яна бир бор амин бўлдим.

Давлатимиз раҳбари маърузаларидан бирида «Ободлик кўнгилдан бошланади», деган пурҳикмат иборани айтган эдилар. Ростдан ислоҳотлар ҳам, қурилиш-ободончилик ишлари ҳам аввало инсон ва унинг бахти учундир. Юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, ободлик, тараққиётнинг бош омили айнан кўнгиллар ободлигидир. Шунинг ўзиёқ мустақил давлатимизнинг истиқболи бугунгидан ҳам нурли, келажаги ҳозиргидан ҳам буюк бўлишидан дарак бериб турибди.

## Биринчи ўрин — бизники

Боку шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси 6 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритган ҳолда биринчи ўринни банд этди.

Марат Қурбонов мураббийлигидаги терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни Камронбек Эшматов (- 49 кг.), Шерзод Комилов (-56 кг.), Бобурмирзо Толибов (-60 кг.), Иқболжон Холдоров (-64 кг.), Обиджон Тоҳиров (-91 кг.) ва Элдор Мержанов (+91) келтирди.

Кумуш медални Сулаймон Латипов (-56 кг.) қўлга киритган бўлса, Шунқор Абдурасулов (-52 кг.), Султонмурод Омонов (-75 кг.) ва Баҳромжон Фозилов (-81кг.) терма жамоамиз ҳисобига бронза медалларни қўшиб қўйдилар.

## ОБ-ҲАВО

**Ҳар куни ишга ёки бирор юмуш билан ташқарига чиқаётганимизда бугун қандай об-ҳаво бўларкин, ёғингарчилик кутилмаётганмикин, деган савол барчамизни бирдек ўйлантиради. Аслида табиат ҳодисалари инсониятга бўйсунмайди. Уларни бошқариш, аввалдан аниқ башорат қилишнинг иложи йўқ. Бироқ сайёрамизда шундай ҳудудлар борки, бу ерда иқлим йил бўйи деярли ўзгармайди. Биз Саҳрои кабр ёки бошқа қумликларни дунёдаги энг қуруқ ҳудуд, деб янглишганимизни Антарктидадаги Қуруқ водий номини олган ўлкада соатига 320 километр тезликда эсадиган шамол бор намликни буғга айлантириб, қорнинг музга айланмаслигини билганимиздан сўнг англаймиз.**

**Юртимиз иқлими ҳақида гапирадиган бўлсак, соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, ҳафта давомида илиқ об-ҳаво кузатилади, дам олиш кунларини тоғ-ён бағриларида ўтказиш мумкин. Чунки бу ерда кундузи ҳарорат +3..+8 даражагача кўтарилади. Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ўртача ҳарорат кечаси 0...-5, кундузи +5...+10 даража бўлади. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимизда термометр миллари кечаси 0...-5, баъзи жойларда +1...+6, кундузи +6...+11 даража бўлишини кўрсатади.**


РЕКЛАМА

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«АСАКА» БАНК**

**яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«ЯНГИ ЙИЛ-2015»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 90 дан ортиқ омонат турини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сергели филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

— миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.






**Автосалон в Ташкенте**

**тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99**

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)

ЗАЗ

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.



XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1653 Тираж: 12578

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

**Навбатчилар:** Н.ТОШЕВ, М.РЎЗИЕВ .